

“МАКТАБ КЛАСТЕРИ” – ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА

Қаршиева Дилбар

Чирчиқ олий танк кўмондон муҳандислик билим юрти,
“Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Тел: 97 402 05 85, e-mail: d.karshiyeva1986@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўтган асрдаёқ ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълим сифатини ошириш мақсадида Америка, Европа ва Африка мамлакатларида ташкил этила бошлаган “мактаб кластери” ва унинг афзалликлари ҳақида сўз юритилади. “Мактаб кластер”лари ўзаро ҳамкорлик орқали юқори таълим сифатига эришиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни мақсад қилади.

Калит сўзлар: мактаб кластери, ҳамкорлик, таълим сифати, компетенция, компетентлик, мактаб ўқитувчиси.

Аннотация: В статье рассматривается «школьный кластер» и его преимущества, которые начали в прошлом веке в США, Европе и Африке для развития сотрудничества и повышения качества образования. «Школьные кластеры» нацелены на достижение высокого качества образования за счет сотрудничества, эффективного использования имеющихся ресурсов.

Ключевые слова: школьный кластер, сотрудничество, качество образования, компетентность, компетентность, школьный учитель.

Abstract: This article discusses the "school cluster" and its advantages, which began in the last century in the United States, Europe and Africa to develop cooperation and improve the quality of education. "School clusters" aim to achieve high quality of education through cooperation, effective use of available resources.

Keywords: school cluster, collaboration, quality of education, competence, competence, school teacher.

Америка, Европа ва Африка манбаларининг таҳлилига асосланиб қайд этишимиз мумкинки, “мактаб кластери (инглиз тилида – school cluster, немис тилида – Schulcluster)” ушбу минтақаларда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчани тўғри ва аниқ ёритиш, ўз навбатида, қуйидаги атамалар маъносига тўхталишни тақозо этади.

Мактаб кластери маъмурий ва таълим мақсадларидаги номуносибликни бартараф этиш учун географик жиҳатдан бир-бирига имкон қадар яқин жойлашган мактабларнинг бирлашишини англатади[3, р. 15].

В. Чикоко фикрига кўра, “**кластерлар** – бу мактабларда таълим сифати ва долзарблигини оширишга қаратилган ўзаро яқин географик ҳудудда жойлашган мактабларни гуруҳлаштириш, бирлаштиришдир” [2, р. 42-57]. Т. Текалигне[4,

р. 245] кластерни маъмурий ва таълимий мақсадлар учун мактабларни бирлаштириш деб таърифлаган.

Мактабларнинг кластерлаштирилиш ривожланаётган давлатларда мактабларни қўллаб-қувватлашнинг халқаро нормасига айланди, чунки мамлакатлар ўзларининг таълим тизимларига дуч келадиган ва уларни безовта қиладиган кўплаб таълим муаммоларини ҳал қилиш йўлларини қидиради (Чикоко ва Айпинге, 2009). Юқорида Ф. Диттмар, В. Чикоко ҳамда Т. Текалигне “мактаб кластери”ни географик жиҳатдан бир-бирига иложи борича яқин жойлашган мактаблар бирлашуви, гуруҳи деб таърифлайди. Ушбу таъриф тўғри бўлса-да, бошқа бир манбада мактаб кластери нафақат ўзаро географик яқин жойлашган, балки сифатли таълим самарадорлигини яхшилаш ва маъмурий мақсадларда ўқитиш ва ўрганиш ресурсларини баҳам кўришга қодир бўлган мактабларни бирлаштириш эканлиги таъкидланади[4, р. 23]. Худди шу асосда Диттмар, Менделсоҳн ва Уорд (2002) кластер тузилган бештадан еттитагача бўлган мактаблар ичидан битта мактаб Кластер Маркази сифатида танланишини қайд этади.

Мактаб кластери илк марта “Буюк Британия ва Ҳиндистонда 1940-йилларнинг бошларида, ўз таълим тизимларида самарадорликни ошириш, қишлоқ мактаблари бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ўқув-ахборот ресурсларини ўзаро алмашиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида билим-маҳорат ва таълимнинг самарали ёндашувларини ўзаро ўртоқлашиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш орқали сифатли таълимни такомиллаштириш[4, р. 34] мақсадида ташкил этилган. Бундан ташқари, Гиордано (2008) таъкидлашича, мактаб кластерлари маъмурият, материалларни алмашиш, педагогик ва синфдан ташқари ишларни такомиллаштиради, чунки бундай мактабларда яқин атрофда жойлашган мактабларнинг ўқитувчилари учун материаллар ва манбалар билан таъминланган ресурс марказлари мавжуд бўлади.


Гиорданонинг (2008) ёзишича, мактаб кластерлари қуйидаги сабабларга кўра жорий қилиниши мумкин:

- 1) мактабларга бошқарув ва қўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги,
- 2) ўқитувчилар қўллаб-қувватлашига мавжуд катта эҳтиёж,
- 3) юқори даражага эришиш қарорларни қабул қилишда барча манфаатдор томонларнинг иштироки,
- 4) кўпчилик мактаблар нисбатан изоляцияда фаолият юритаётганлиги.

Шу каби фактларга асосланиб Айпинге (2007) мактаб кластери таълимни бошқарув ва режалаштириш амалиётини такомиллаштириш, таълимдаги асосий манфаатдор томонларнинг иштирокини ошириш ва мактаблар ўртасида демократик йўллар билан ҳамкорликни ривожлантириш учун имконият яратувчи фойдали восита сифатида ривожланганлигини таъкидлайди[1, р. 15]. Америка ва Африка малакатларида жорий этилган мактаб кластери немис

таълим тизимида ҳам киритилганини шу тилдаги манбалардан билишимиз мумкин. Ушбу давлатда ҳам мактаб кластери (немисча- “Schulcluster”) юқорида қайд этилган тушунчага ўхшаш мазмунга эга. Жумладан, мактаб ва Олий таълим муассасаси ўзаро ҳамкорликда ишлаши, бир-бирини турли мақсадларда: етук билимли ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларни ОТМ да ўқиш жараёнига тайёрлаш ҳамда олиб борилган тадқиқотни бевосита дарс жараёнларида қўллашда ўзаро қўллаб-қувватлаши мумкин. Мюнхен техника университети шу концепция асосида қатор ҳудуддош мактабларни ягона бир тармоққа бирлаштирган эди, бу тизим кейинчалик оммалашиб, Schulcluster (Шулкластер)га айлантирилган. Бунини ташкил этиш учун илк қадам координатор сифатида хизмат қиладиган таянч мактабни ташкил этиш, у учун доимий мурожаат манзили ўша ОТМ ҳисобланади. Ушбу ОТМ эса, ўз навбатида, кластер доирасида мультипликатор вазифасини бажаради. Кластер миқёсида қатор таълим муассасалари бирлашишади ва ресурсларини ўзаро боғлашади. Таълим муассасалари билан бир қаторда мактабдан ташқари муассасалар (бандлик марказлари, ўқув марказлари ва шу кабилар), маҳаллий саноат корхоналари ва турли ижтимоий бирлашмалар ҳам қўшилиши мумкин. Шу тарзда ўша ҳудуддаги мактаблар ўзаро алоқалари жадаллашади ҳамда ОТМ ташкилий ишларни кучайтирмасдан улар билан алоқани самарали ташкил этишга эришади. Шу тарзда Мюнхен техника университети томонидан немис таълим тизимида дастлабки шулкластер 2007 йилнинг 16-ноябрида Берхтесгаденер ўлкаси (Berchtesgadener Land)да 4 та гимназияни бирлаштирилиб ташкил этилган. Бироздан сўнг ўзаро яқин ҳудудда жойлашган ҳар хил турдаги 13 мактаб ҳам бирлашиб, мактаб кластерини ташкил этган. Кейинчалик 2009 йилнинг февраль ойида Алтўттинг-Траунштайн (Altötting-Traunstein)да, 2010 йил март ойида Бенедиктбойерн (Benediktbeuern)да в.х. ташкил этилган.

Юқоридаги таҳлил асосида мактаб кластери моделини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм):



1-расм. Европа таълим тизимида “мактаб кластери” структураси

1-расмдан кўришимиз мумкинки, Европа, айнан, Германия таълим тизимида географик ўзаро яқин жойлашган бир неча мактаблар шу ҳудуддаги муайян ОТМ билан биргаликда “мактаб кластери”ни ташкил этиши мумкин. Ушбу мактаблардан бирига координатор сифатида таянч мактаб, яъни кластер

маркази вазифаси юкланади, ОТМ эса таянч мактаб учун доимий мурожаат манзили - мультипликатор вазифасини бажаради. Мисол учун, маълум бир вазифа, топшириқ ёки консултатив маълумот ҳар бир мактабга эмас, балки айнан ўша таянч мактабга етказилади, ўз навбатида, ушбу мактаб бошқа аъзо мактабларга етказиши. Бу орқали маъмурий масалаларнинг ҳам такомиллашувига эришилади. Германия меъёрий ҳужжатларига кўра, камида 2 та, кўпи билан 8 та мактаблар ўзаро мактаб кластерини тузиши мумкин, ундаги ўқувчилар сони 200 дан ортиқ, аммо 2500 тадан кам бўлиши шарт. Бу каби мактаб кластерини ташкил этишдан кутилаётган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- ОТМ ва мактаб ўртасидаги барча жабҳаларга доир ўзар алоқаларни яхшилаш;
- (бўлажак ўқитувчи) талабалар учун мактаб амалиётини янада профессионал равишда ташкил этиш ва ўтказиш;
- мактаб ўқувчиларини Олий таълимга йўналтириш ва мактабни битиргандан сўнг касб ва шунга мос ОТМ йўналишини танлашга ўргатиш мақсадида ташкил этиладиган семинарларни ўтказиш учун ОТМ ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш;
- ОТМда мавжуд АРМ, замонавий АКТ ва профессор-ўқитувчи ресурсларидан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш (мактаблар учун);
- иш берувчи ва бошқа ташкилотлар билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва такомиллаштириш, шу орқали битирувчилар ихтиёрига мақсадли ва манзилли иш ўринларини ҳавола этиш, уларни иш билан таъминлашиш берувчилар ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш.

Шунингдек, мазкур ҳамкорлик ҳар икки тараф учун маълум имкониятлар туғдиради. Жумладан:

- кластер аъзолари ўртасида тезкор алоқани ўрнатиш: хоҳ таълимий, хоҳ касбий маълумотлар алмашинуви жараёнининг оптималлашиши;
- баъзида кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқарадиган, аммо кластер аъзолари тажрибаси билан осонроқ ҳал қилиниши мумкин бўлган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятининг яратилиши;
- ўқув дастурларига кўра муайян лойиҳалар, одатда, ташқи ҳамкорлар билан амалга оширилиши керак, аммо уларни излаш кўпинча кўп вақт талаб этади. Бундай вазиятда ҳам “кластердаги шерик”ларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш имкони;
- мактаб ва ОТМ ҳамкорлигида ўтказиладиган “малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари”га маърузачиларни жалб қилиш жараёнининг осонлашуви;
- мактабларда ўталадиган малакавий амалиётнинг ташкил этилишини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, уни самарадорлигини оширилиши;

- ОТМдаги тадбирлар, компанияларга экскурсиялар, иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар ёки семинарлар биргаликда осонроқ ташкил этиш имконияти;
- ОТМ да олиб борилаётган сўнгги тадқиқот ишлари ҳақида мактабларни тезкор хабардор қилиш, таништириш;
- инновацияларни алмашиш орқали кластер шериклари ва уларнинг вакиллари мультипликатор сифатида бутун минтақа ёки туман фойда келтириш имконияти;
- мактаблар мультипликатор ОТМ нинг халқаро ҳамкорлари билан алоқа ўрнатиш имконияти;
- ОТМ билан ҳамкорлик сабабли у ерда эришилган сўнгги илмий янгиликлар, тадқиқотлар натижалари тўғридан-тўғри ОТМ дан мактабга етиб бориши ва мактаб ўқув жараёнида қўлланишининг оптималлашуви;
- амалиётчи-талабаларнинг мактаб амалиётидан ўзлаштирган натижаларини таълимни ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш мақсадида ОТМ да ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига киритиш имконияти.

Келтирилган илмий далил ва хулосаларга таяниб, таълим кластерлари турли минтақаларнинг таълим тизимига жорий этилган бўлса-да, унинг структураси айнан бир хил эмас, ҳар бир шаклдан кутиладиган мақсад ва эришиладиган натижалар ўзига хосдир. Шунга қарамасдан, таълим тизимига кластер ёндашувни киритиш, мактаб кластерларини тузиш орқали қуйидаги умумий мақсадлар ҳамда натижаларга эришилади:

- барча таълим босқичи (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-маҳсул (профессионал) таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим) иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бу орқали тезкор ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда лойиҳаларда иштирок этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиш;
- ҳамкорликда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу орқали иш берувчиларнинг талабларига мос етук мутахассислар тайёрлаш;
- малакавий амалиёт самардорлигини ошириш, бунда ОТМ да ўқитиладиган назарий билимлар ва амалиётда талаб этиладиган кўникмалар мутаносиблигига эришиш нуқтайи назаридан иш кўриш;
- мавжуд ахборот ресурслари, моддий ресурслар (бино-иншоот ва майдон) ва педагогик ресурсдан самарали фойдаланиш, бунда мавжуд “ресурслар” барча кластер иштирокчилари учун умумий “ресурс” сифатида қаралади, уни мақсадли ва самарали тақсимлаш асосий мезон саналади.

Демак, бу каби “мактаб кластер”ларини ташкил этиш юртимизда ҳам таълим сифатини ошириш ҳамда мавжуд ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга имкон яратади.

Библиография

1. Aipinge, L. P. (2007). Cluster Centre Principals' perceptions of the implementation of the School Clustering System in Namibia (*Unpublished Masters Thesis*). Rhodes University, South Africa.

2. Chikoko, V. (2007). The school cluster system as an innovation: Perceptions of Zimbabwean teachers and school heads. *African Education Review*, 7(1), 42-57.
3. Dittmar F., Mendelsohn, J., & Ward, V. (2002). *The school cluster system in Namibia*. Windhoek: Raison.
4. Giordano, E. A. (2008). School cluster and teacher resource centres. UNESCO: International Institute for Educational Planning. Paris.
5. Tekaligne, T. (2013). Factors affecting the effectiveness of clustering school program in teaching learning process: The case of Yeki Woreda and Teppi Town Cluster Schools (*Unpublished Masters Thesis*). Addis Ababa University. Addis Ababa.
6. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) // Дисс. Тошкент, 2018.
7. Бакова К.Ж. Фурсова Т.А., Знаменская Н.А., Гречко Е.М., *Методические указания о педагогической практике*. Бишкек, 2013.
8. Кудратбек Шавкат Ўғли Махмудов, Зайниддин Ибодуллаевич Санакулов, Нурсултон Замон Ўғли Шайхисламов, & Дилбар Эшпўлатовна Қаршиева (2020). ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА «КЛАСТЕР». *Science and Education*, 1 (7), 587-593.
9. Ходжамкулов Умид Негматович (2019). Педагогик таълим кластери илмий- педагогик муаммо сифатида (педагогик таълимни кластерлаштиришнинг зарурати). Современное образование (Узбекистан), (10 (83)), 10-15.
10. Karshieva, D. (2020). Social protection is a guarantee of family unity. *Journal of Social Studies*, 7(3), 89-96.
11. Sanakulov, Z., Khudanova, S., Yuldasheva, N., & Tashpulatov, S. (2021). Representation of Word-Building Affixes in German-Uzbek Dictionaries: A Critical Analysis. *Psychology and Education*, 58(2), 7120-7128.
12. Рахманова, Д. А., Усмонходжаева, М. А., Санакулов, З. И., & Зарипова, Г. Ф. Қ. (2020). Немис ва ўзбек тиллари замонавий тилшунослигида сўз ясалиши тизими. *Science and education*, 1(8).
13. Sanakulov, Z. (2020). Comparative analysis of the linguistic phenomenon "productivity-unproductivity" in word formation in German and Uzbek languages. *Ilm-sarchashmalari*, (7), 132-134.
14. Санакулов, З. И., & Мусабекова, М. Н. (2019). Преимущества и недостатки литературных текстов в преподавании иностранных языков. *Молодой ученый*, (3), 378-379.
15. Санакулов, З. И., & Ходжиев, Р. М. (2018). Интернет и проблемы воспитания подростков. *Молодой ученый*, 45(431), 274-277.
16. Sanakulov, Z. (2020). Comparison of German and Uzbek word formation methods (on the example of abbreviations). *UzACADEMIA SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 1(1), 45-50.

17. Sanakulov, Z. (2021). The structure of bilingual dictionaries and their analyse (on the example of German-Uzbek dictionaries). *Modern scientific challenges and trends*, 1(35), 191-193.

18. Sanakulov, Z. I. (2020). Interpretation of compound words as lemmas (on the example of german-uzbek dictionaries). *АСТА НамСУ*, (8), 251-256.

19. Дилбар Қаршиева (2021). Ўқитувчи касбий компетентлигининг малакавий амалиётда шаклланиш босқичлари. *Scientific progress*, 1 (4), 67-75.

20. Қаршиева, Д. Э. (2020). Малакавий амалиёт ва унинг мазмуни. *Прагматингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси*, 1(1), 544-548.

21. Sanakulov, Z. (2019). *Таълим муассасаларида педагогик таълим инновацион кластер истиқболи*. In *Хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини инновацион педагогик таълим кластери асосида амалга ошириш истиқболлари* (pp. 120-124). CSPI.

22. Sanakulov, Z. (2020). *Affixation as one of the important objects of grammar*. In *Current issues of 21st century linguistics and translation studies: theory, practice, innovation*. NUU. <https://doi.org/10.6084/m9.figshare.12560474.v1>

23. Қаршиева, Д. Э. (2021). Компетентлик – узлуксиз таълимда педагогнинг замонавий фазилати сифатида. *Узлуксиз таълим тизимида масофадан ўқитишнинг интеграцияси*, 99-101.

24. Қаршиева, Д. Э. (2019). Глобаллашув жараёнида маънавий таҳдидларни олдини олиш. *Маънавий таҳдидларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш— хавфсизликни таъминлаш омили сифатида*, 249-250.

25. Қаршиева, Д. Э. (2019). Талаба-ёшларга таълим беришда интерфаол методлардан одилона фойдаланиш. *Барқарор ривожланишида узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар*, 1.

26. Қаршиева, Д. Э. (2020). Харбий хизматчилар оиласини ижтимоий ҳимояси. *Зирҳли қалқон илмий-ахборот журнали*, 1(1), 35-37.

27. Қаршиева, Д. Э. (2021). Замонавий мактаб-ўқитувчисини тайёрлашда малакавий(педагогик) амалиётнинг ўрни. *ЎзМУ хабарлари*, 1(2), 53-55.

28. Санакулов, З. И. (2021). Назарий лексикографияни маҳаллий тадқиқотларда ёритилиши талқини. “*Тилишуносликдаги замонавий йўналишлар: Муаммо ва ечимлар*” номли халқаро илмий-амалий онлайн-конференция, 255-259.

29. Санакулов, З. И., & Мусабеева, М. Н. (2019). Литературные тексты на уроках иностранных языков. *Молодой ученый*, (3), 376-378.

30. Қаршиева, Д. Э. (2020). Узлуксиз малакавий амалиётни ташкил этиш учун методик тавсиялар. *Academic research in educational sciences*, (4), 526-536.

31. Қаршиева, Д. Э. (2020). Ҳарбий хизматчилар маънавияти ва оила мустаҳкамлиги. *Science and Education*, 1(Special Issue 1), 207-217.

32. Санақулов, З. И. (2020). Композитанинг луғатларда акс эттириш тамайиллари. *Прагмалингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси*, 1(1), 336-340.
33. Санақулов, З. И. (2020). Сўз ясалишининг лексикографик аспекти (немисча-ўзбекча луғатлар мисолида). *Ўзбекистонда хорижий тиллар*, 4(33), 31-45.
34. Negmatova, O. B., & Imyaminova, S. The Particularities of the Vocabulary of the Journalistic Style. *JournalNX*, 200-201.
35. Imyaminova, S. S., & Yakubov, S. B. (2021). On The Question Of The History Formation Of Uzbek-German Literary And Cultural Relations (1960-1975). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 211-218.
36. Imyaminova, S. S., & Yakubov, S. B. (2020). The study of the translations of a work of german writer anna seghers into uzbek. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 778-782.
37. Imyaminova, S. S., & Yakubov, S. B. (2021). To the question about the history of uzbek-german cultural relations (1960–1975). *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(1), 84-88.
38. Худайбердиева, З. (2021). ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДАГИ ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СИНТАКСИСДА ТУТГАН ЎРНИ. *Science and Education*, 2(3), 403-414.